

109-22/ПП-сонли ШАРТНОМАСИ

Тармоқ ресурслари ва техник алоқа воситаларини ижарага бериш

Тошкент ш.

“20” январь 2022й.

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали, кейинги ўринда “Ижарага берувчи” деб аталувчи номидан, Низом ва 30.12.2021й. 27-01-14/6019-сонли ишончнома асосида иш юритувчи, директори Фаррух Шорухович Рустамов, бир томондан ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси, кейинги ўринда “Ижарага олувчи” деб аталувчи номидан, Низом асосида иш юритувчи, Рашид Ҳусейнбаев И.Салеев иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб аталувчилар, ушбу шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. Ушбу шартномага мувофиқ “Ижарага берувчи” “Ижарага олувчи”га фойдаланиш мақсадида “ТШТТ” филиалининг алоқа воситалари, телефон станциялари ва алоқа марказларидаги коммутация пунктлари (портлари) орқали тўғридан-тўғри симлар, Томонларнинг жавобгарлик чегараларига (зоналарига) мувофиқ тақдим этилади.

ЎзРес Давлат божхона кўмитасига ўзгарувчан мультиплексер (СГМ) орқали ЭАТС-233-244 1 дона, 244-241 1 дона, жами 2 дона тўғридан-тўғри симлар тақдим этилади.

1.2. Ижарага олинган тўғридан-тўғри симлар ўзаро келишувга мувофиқ “Ижарага олувчи”га тақдим этилган (бириктирилган) коммутация пунктларига етказиб берилади.

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ ВА ТАРТИБИ

2.1. “Ижарага олувчи” “ТШТТ” филиалининг 20210000604074838051 х/рга

- ўзгарувчан мультиплексер(СГМ) орқали битта тўғридан-тўғри симни ижарага олиш нархи тариф бўйича: 41 964,00 сўмни ташкил этади. Ижарага олувчи томонидан икки дона тўғридан-тўғри симни ижарага олиш учун тариф бўйича ҚҚСни инобатга олган ҳолда ҳар ойда 83 928,00 сўм тўлов амалга оширилади.

2.2. Шартноманинг умумий миқдори 251784 (секин тоз таъсис босқичи милли тоз саксон шўрт) ташкил этади.

2.3. Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга кўра, хизматлар учун тўлов (тўғридан-тўғри симни ижарага бериш) шартнома тўлов топшириқномаси (тўлов-сўровномаси, ҳисоб-фактура ва ҳисобларга кўра) асосида акцептлаш тартиби ёки тўлов топшириқномаси бўйича банк пул ўтказмаси орқали амалга оширилади.

2.4. Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари вазирлиги ҳамда “Ўзбектелеком” АК фармонлари ва қарорларига мувофиқ тарифлар ва ҳисоб-китоблар ўзгарганда, шунингдек энергия ташувчилар, коммунал хизматлар, ёқилги-мойлаш материаллари нархлари ўзгарганда “Ижарага олувчи” “Ижарага берувчи”га янги тарифлар чиққан пайтдан бошлаб, тўловларни амалга оширади, қўшимча келишув имзолаш йўли билан.

2.5. “ТШТТ” филиали ва ЎзРес Давлат божхона кўмитаси ўртасида ўзаро ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида амалга оширилади.

2.6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 августдаги 241-сонли қарорига асосан “Ижарага олувчи” кўрсатиладиган хизматлар учун, ойлик 100% миқдордаги олдиндан тўловни, ҳисоб ойининг 10-санасига қадар амалга оширади.

2.7. Ўзаро даъволар ва санкцияларнинг мавжудлиги кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга оширмасликка асос бўлмайди ҳамда ўзаро келишувсиз хизматларни кўрсатиш тўхтатилмайди.

3. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Ижарага берувчи:

3.1.1 Белгиланган тартибда, техник имкониятларга асосланиб, **икки дона тўғридан-тўғри симларни** техник стандартларга ва келишилган шартларга мувофиқ равишда ажратиб берилишини ва рўйхатдан ўтказилишини, Ахборот технологиялари вазирлигининг техник стандартларига мувофиқ жавобгарлик чегарасида яъни *ЭАТС-233-244 1 дона, 244-241 1 дона, жами 2 дона* тўғридан-тўғри симларга техник хизмат кўрсатишни ва таъмирлашни;

3.1.2 Жавобгарлик доирасида ижарага берилган алоқа воситаларини сифатли ишлашини;

3.1.3 Фавқулодда вазиятлар ва авария ҳолати ўзи томондан юз берганда авария ҳолатини бартараф этиш ва белгиланган муддатларда алокани тиклаш учун зарур чораларни кўришни ўз зиммасига олади.

3.2 Ижарага олувчи:

3.2.1 **Икки дона тўғридан-тўғри** симларни ишлашини таъминлаш учун ташкилий ва техник шартларни бажарилишини;

3.2.2 Ойлик тўловларни 125-1/7-сонли (Прейскурант) нархлар рўйхати тарифлари бўйича амалга оширишни, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари вазирлигининг техник стандартларига шунингдек, ўзаро келишилган шартларга мувофиқ, ижарага олинган алоқа воситаларининг техник эксплуатациясини амалга оширишни;

3.2.3 Ўзининг алоқа воситаларида фавқулодда вазиятлар ва авария ҳолати юз берганда авария ҳолатини бартараф этиш ва белгиланган муддатларда алокани тиклаш учун зарур чораларни кўришни;


3.2.4 Жавобгарлик чегарасида ижарага олинган алоқа воситаларининг сифати учун жавобгарликни (ПДС- 20x20 бошқарув панели);

3.2.5 Станциялараро тўғридан-тўғри симларни уланишида авариявий ҳолат юзага келганда 71 268-58-58, 71 267-04-25 телефон рақамларига маълум қилинишини ўз зиммасига олади.

4. ФОРС - МАЖОР

4.1 Томонлар шартнома шартларини бажаришлари мобайнида уларнинг хоҳиш, эрки ва иродасига боғлиқ бўлмаган форс-мажор ҳолатлари жумладан: табиий офатлар, ёнгин, zilзила, сув тошқини ва табиатнинг табиий кучларининг бошқа ҳаракатлари, шунингдек алоқа кабелларини ўғирланиши, давлат ҳокимиятининг ҳаракатлари агар ушбу ҳолатлар Шартнома имзоланганидан кейин пайдо бўлган бўлса ва унинг бажарилишига бевосита таъсир кўрсатган бўлса Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод қилинадилар.

4.2 Қайси томон учун форс-мажор ҳолати содир бўлса ва мажбуриятларини бажариш имкони бўлмаса ушбу ҳолат ҳақида иккинчи томонни дарҳол хабардор қилиши шарт. Форс-мажор ҳолатлари тўғрисида ўз вақтида яъни 15 кун ичида бошқа томонни огоҳлантирмаслик, келгусида огоҳлантирилмаган тарафга мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

01	YURIDIK BOSHQARMA	№ <u>23</u>
		202 <u>2</u> y <u>02-01</u>

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Шартноманинг 3-бандига асосан Ижарага олувчи тўловларни кечиктирган тақдирда кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4% миқдоридан лекин муддати ўтган тўлов миқдорининг 50% кўп бўлмаган миқдорда ҳар бир кечиктирилган кун учун пеня тўлайди.

5.2. “ТШТТ” филиалида сақланаётган Томонларнинг ускуналарида Ижарага берувчининг айби билан етказилган зарарни бартараф этиш бўйича назорат вақтидан (икки томоннинг ваколатли вакиллари томонидан тузилган) ортиқ вақт давомида вақтинча уланиш йўллари маълум қилмаганлик ва тегишли ускуналар алмаштирилмаган тақдирда Ижарага берувчи томонидан ойлик тўлов қайта ҳисоб-китоб қилинади ва мажбуриятларнинг бажарилмаган қисми ҳисобига 0,5% миқдоридан лекин кўрсатилмаган хизматлар нархининг 50% кўп бўлмаган миқдоридан пеня тўланади (солиштириш далолатномаси асосида (акт сверка)).

5.3. Томонлар ўртасидаги музокаралар натижасида юзага келадиган келишмовчиликларни ижобий ҳал қилиш учун Томонлар келишув қоидаларидан фойдаланадилар.

5.4. Ушбу келишув бўйича келиб чиқадиган баҳсли масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида ҳал этилади.

5.5. Юридик манзил ёки банк реквизитлари ўзгартирилганда, Томонлар ушбу реквизитлар ўзгартирилган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмай бир-бирларини хабардор қилишади.

5.6. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган жавобгарликни ўз зиммаларига оладилар.

5.7. Белгиланган тартибда тузилган ушбу шартномага қўшимчалар унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5.8. Ушбу шартномада ақс эттирилмаган қоидалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

6. МАХСУС ШАРТЛАР

6.1. Томонлар қуйидагиларни таъминлаш мақсадида ўзаро ҳамкорлик қилишади:

- Ахборот хавфсизлиги,
- Телекоммуникация иншоотларига кириш-чиқиш режими мавжудлиги,
- алоқа тармоқларида ишлаб чиқариш қоидалари ва тартибларига риоя қилиш,
- ёнғин хавфсизлиги,
- техника хавфсизлиги,
- тезкор-қидирув фаолияти

6.2. Томонлар мазкур Шартнома шартларининг бузилиши туфайли юзага келган зарарни, бошқа Томонга қоплашади, аммо йўқотилган фойдани эмас.

7. ШАРТНОМА МУДДАТИ

7.1. Шартнома, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг Ҳазначилик бошқармаси томонидан рўйхатга олинган санадан 2022 йил «__» _____ дан кучга киради ва 2022 йил 31.12 га қадар амал қилади.

7.2. Мазкур шартномага, янги қабул қилинган ва юқори турувчи ташкилотлар томонидан тасдиқланган Қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатлар, шунингдек, Томонлар таклифи ва ижарага олинган ускуна орасидаги масофаларни ўзгариши билан боғлиқ ўзгартиришлар, қўшимчалар киритилиши мумкин.

7.3. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар, Томонларнинг ўзаро келишувига кўра, ёзма келишув (баённома) ёки шартномага киритилган илова шаклида, Томонлар вакиллари имзолари билан тасдиқланган ҳолатда ҳақиқий ҳисобланади.

7.4. Мазкур шартнома қуйидаги шароитларда бекор қилинади:

- томонлар келишувига кўра,
- бир томонлама, бошқа Томон шартнома бўйича ўзига юклатилган мажбуриятларни бажармаган ҳолатда,
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган бошқа ҳолатларда.

7.5. Мазкур Шартнома икки асл нусхада, ҳар бир Томон учун, иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга.

8. ТОМОНЛАР РЕКВИЗИТЛАРИ

“Ўзбектелеком” АК
“ТШТТ” филиали

ЎзРес Давлат божхона кўмитаси

Тошкент ш., 100084
Кичик халка йули, 2А-уй :
Х/р 2021 0000 6040 7483 8051
АТ Алоқабанк Амалиёт бошқармаси
Банк коди: 00401, СТИР: 203 366 731
АОФТ коди (ОКЭД): 61100
Тел: 71-234-64-39, факс:71-232-15-15

Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона Кўмитаси
100003, Тошкент ш., Ислам Каримов Куч., 3 уй
тел.: 120-76-00, факс: 120-76-41
Х/Р: 2340 4000 6004 4793 9327
«Алоқабанк» Тошкент ш. бош офиси.
Банк коди: 00401 СТИР: 200 794 867

Директор



Ф.Ш.Рустамов



Handwritten signature

01	YURIDIK BOSHQARMA	№ 23
imzo <i>Handwritten signature</i> 2022 y. 20.01		